

## **4-мавзу. ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЭКСТЕНСИВ ВА ИНТЕНСИВ РИВОЖЛАНИШИ**

*Режа:*

- 1. Қишлоқ хўжалиги ривожланишига таъсир этувчи омиллар*
- 2. Экстенсив ривожланиш*
- 3. Интенсив ривожланиш*
- 4. Қишлоқ хўжалиги ва фан-техника тараққиёти*
- 5. Инфраструктура тушунчаси ва унинг классификацияси*

Қишлоқ хўжалиги жаҳоннинг барча мамлакатларида мавжуд бўлса-да, ривожланиш даражасига кўра улар бир-биридан фарқ қилади. Айрим мамлакатларда деҳқончилик, айримларида эса чорвачилик системаси нисбатан устунроқ тараққий этган.

Бундай нотекис ривожланишга қуйидаги бир қатор омиллар таъсир кўрсатади:

- худудларнинг географик ўрнидаги тафовутлар;
- табiiй шароит ва ресурслар;
- ижтимоий-иқтисодий омиллар;
- ихтисослашув;
- ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёт даражаси;
- меҳнат ресурслари;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб.

Олдинги мавзуларда бу омилларга тавсиф берилгани учун қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий йўлларига тўхталиб ўтамиз.

Қишлоқ хўжалигида ривожланишнинг қуйидаги икки тури мавжуд:

1. Экстенсив;
2. Интенсив.

Экстенсив қишлоқ хўжалиги қадимдан пайдо бўлган. Инсоният ўз тараққиётининг дастлабки даврларида экстенсив ривожланиш йўлидан

борган. Чорва моллари кўпайтирилган, ўрмонлар ёкилиб ҳайдаладиган ерлар майдони кенгайтирилган. Кейинчалик қишлоқ хўжалиги системасининг такомиллашиши интенсив ривожланишга замин яратди. Айниқса Қадимги Миср, Месопотамия, Хитой, Ҳиндистон, Ўрта Осиё ва бошқа суғорма деҳқончилик марказларида қадимдан интенсив ривожланиш йўлига ўтала бошланган. Ерларга кўшимча меҳнат сарфлаб, ўғитлар солиниб, серҳосил навлар экилиб экинлар ҳосили ва ҳосилдорлиги кўпайтириб келинган.

Ҳозирда ҳам умумжаҳон қишлоқ хўжалигида интенсив ривожланиш билан бирга экстенсив типдаги хўжаликлар ҳам сақланиб қолган. Қишлоқ хўжалиги таракқиётида бу иккала форма биргаликда кўшиб олиб борилса-да, аксарият ривожланган мамлакатларда интенсив ривожланиш ўзининг юксак таракқиёт даражасига кўтарилган. Лекин Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг айрим, таракқиётдан орқада қолаётган мамлакатларида ҳали-ҳанузгача экстенсив хўжалик типи устунлик қилади.

**Экстенсив қишлоқ хўжалиги** деб кам маблағ сарфлаш ва кам меҳнат қилиш асосида экин майдонларини кенгайтириш ва чорва моллари сонини кўпайтириш ҳисобига кам ҳосил ва кам маҳсулот етиштиришга айтилади. Экстенсив қишлоқ хўжалиги катта майдонларда олиб борилади. Ялпи ҳосил ортса-да, лекин унинг ҳосилдорлиги ошмайди. Мана шу хусусиятлари билан интенсив қишлоқ хўжалигининг акси ҳисобланади.

Экстенсив қишлоқ хўжалиги ер шарининг кўпгина мамлакатларида ҳанузгача сақланиб келади. Жануби-Шарқий Осиё, Тропик Африка, Амазонка ҳавзаси ва бошқа ҳудудларда қишлоқ хўжалигига яроқли катта-катта майдонларни ўзлаштириш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва инфраструктурасига кўп маблағ сарфлашни талаб этади.

Интенсив қишлоқ хўжалиги агросекторда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришнинг бош йўналиши бўлиб, у объектив зарурият ҳисобланади.

**Интенсив қишлоқ хўжалиги** деб қишлоқ хўжалиги унумдорлигини ошириш учун кўшимча маблағ ва меҳнат сарф қилиш асосида экин

майдонлари ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига кўп ҳосил ва кўп маҳсулот етиштиришга айтилади.

Интенсив қишлоқ хўжалиги фан-техника ютуқларига, илғор техника ва технологияларга, автоматлаштириш, электрлаштириш, механизациялаш, кимёлаштириш, ирригация ва мелиорация, инфраструктурага асосланади.

Саноат машина ва жиҳозларининг қишлоқ хўжалигига кириб келиши унинг моддий-техника базасининг кенгайишига таъсир кўрсатади, индустриал ривожланишга олиб келади.

Интенсив қишлоқ хўжалиги кам маблағ сарф қилиб кўпроқ маҳсулот етиштириш ва ҳосилдорликнинг ўсишини таъминлайди. Интенсив ишлаб чиқаришда тупроқ унумдорлиги, ҳосилдорлик ва иқтисодий самарадорлик ортади. Сарфланаётган маблағни бир неча майдонга эмас, аксинча битта майдонга жамлаш демакдир.

Интенсив ривожланишда ялпи маҳсулот экинлар ҳосилдорлиги ва чорва молларининг маҳсулдорлиги ортиши ҳисобига таъминланади. Интенсив қишлоқ хўжалигида ҳудудларнинг табиий ва иқтисодий-ижтимоий имкониятларидан кўпроқ фойдаланилади. Унумдор ерларга қўшимча меҳнат сарф қилиб, кам ҳосил ерларга нисбатан ҳосилдорлик оширишга эришилади. Шу ўринда интенсив ривожланишда экин майдонлари бир вақтда кенгайтириб олиб бориш, сарфланган қўшимча маблағлар эвазига табиий муҳит таъсирида бўлган ерларда кўзланган самара ва ҳосилни ҳам бермаслигини ҳам инкор этмаслик зарур.

Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантиришда илғор техника ва технологияларнинг ўрни беқиёсдир. Улар ялпи маҳсулотни кўпайтиради, сифати ва ҳосилдорлигини оширади, сарфланган маблағ ва меҳнатни қисқартиради, хўжаликнинг рентабеллик даражаси ортади. Ривожланган мамлакатлар агросекторида қўланилаётган тадбирлар бунга ёрқин мисол бўла олади.

Фан-техника ривожланиши даврида қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришсиз тасаввур этиб бўлмайди. Кимёвий ўғитлар тупроқ

унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширади. Улар ўз вақтида ва меъёрида солиб турилганда тупроқнинг таркиби, ҳаво ва сувни ўтказиш қобилияти яхшиланади. Кимёвий ўғитлардан меъёридан ортиқча фойдаланиш атроф муҳитга катта зарар етказишини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Қишлоқ хўжалиги интенсив ривожланишда ерларнинг мелеоратив ҳолатини яхшилаш ҳам муҳим ўрин тутди. Мелеоратив тадбирлар ер, сув, меҳнат ва молиявий ресурслардан юқори даражада ва тежаб-тергаб фойдаланишга имконият яратади.

Чорвачиликда чорва молларининг маҳсулдор зотдор наслларини яратиш ҳам интенсив ривожланишнинг бош бўғинларидан бири ҳисобланади. Уларни илмий асосда боқишни тақомиллаштириб, сонини кўпайтирмаган ҳолда ялпи маҳсулот миқдорини ошириш имкониятини яратиш зарур.

Қишлоқ хўжалиги ишчи-ҳодимлари маҳалласини ошириш интенсив ривожланишнинг муҳим шартларидан биридир. Малака оширган ишчи-ҳодимлар Фан-техниканинг илғор усулларини ҳаётга тадбиқ этадилар. Шунинг учун уларнинг касбий малакасини мунтазам ошириб бориш замин талаблари даражасига кўтариш зарур.

Фан-техника тараққиёти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барқарор ривожлантириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини оширишни таъминловчи асосий омиллардан биридир. Фан ва техника инсоният томонидан ривожлантириб, тақомиллаштириб келинган. Техника кишилар билими ва меҳнатини ўзида мужассамлаштирган меҳнат қуролидир. Ундан табиат ва жамият қонунларини ўрганишда фойдаланилади. Гарчи фан-техника тараққиётида техника етакчи роль ўйнаса-да, у фан билан узвий алоқадорликда ривожланиб боради. Фаннинг ривожланиш даражаси техниканинг ривожланиш даражасини ҳам белгилаб беради.

Фан-техника тараққиёти интенсивлаштиришнинг зарурий шarti бўлиб ишлаб чиқариш кучларига ката таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги илмий ва техник потенциалининг тез ўсиши, автоматлаштириш ва механизациялаштириш, қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоб-ускуналари,

кимёвий ўғитлар ишлаб чиқаришнинг кенгайишига, ишчи-ходимлар малакасининг ошишига олиб келади.

Фанга бўлган талаб, айниқса Фан-техника тараққиёти даврида кескин ортди.

Фан-техника тараққиёти фан ва техника тараққиётида жамият ишлаб чиқарувчи кучларини туб сифат жиҳатдан ўзгариши ва Фан жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш кучига айланишига айтилади.

Фан-техника тараққиёти эволюцион ва революцион йўл билан ривожланади.

Эволюцион ривожланишда фан-техникада жуда кўплаб ўзгаришлар узок вақт давомида содир бўлади. Революцион ривожланишда кескин бурилиш даври бўлиб, унда қисқа вақт ичида фан ва техникада туб сифат ўзгаришлари бўлиб ўтади.

XX аср ўрталаридан фан-техника инқилоби асри бошланди. Бу инқилоб натижасида янги тармоқлар пайдо бўлди, ишлаб чиқариш самарадорлиги кескин ортди. Бутунлай янги техника ва технологияга ўтилди.

Қишлоқ хўжалигига ҳам фан-техника инқилоби жуда ката таъсир кўрсатди. Серҳосил, тезпишар, касалликларга чидамли экинларнинг ажойиб-ғаройиб навлари яратилди. Агросекторда саноатнинг таъсири ортади, индустриал ривожланиш бошланади, иш унумдорлиги юқори бўлган машина, трактор ва комбайнлар жалб этилади. Механизациялаш, электрлаштириш, автоматлаштириш, кимёвий ўғитлардан фойдаланиш кескин ортади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари тадбиқ этилади, илғор тажрибалар оммалашади, малакали кадрлар тайёрланади. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жадаллик билан ривожлана бошлайди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи омиллардан бири хизмат кўрсатиш соҳасидир. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи соҳаларнинг барчаси инфраструктурани ташкил этади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ривожланиш даражаси

инфраструктура тармоқларининг ҳам қай даражада фаолият юритаётганлигини кўрсатиб беради.

Инфраструктура қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига катта таъсир кўрсатувчи иқтисодийнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

**Инфраструктура** деб қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришининг худудий жойлашуви ва ривожланиши, шунингдек аҳоли фаолияти учун хизмат қиладиган хизмат кўрсатиш соҳалари комплексига айтилади. Инфраструктура тармоқлари моддий неъматлар яратишда бевосита иштирок этмаса-да, лекин ишлаб чиқариш жараёнини таъминлашда роли жуда юқоридир. Негаки, моддий ишлаб чиқариш соҳалари инфраструктурасиз ривожлана олмайди.

Бажарадиган вазифасига кўра ишлаб чиқариш, социал ва бозор инфраструктураларига ажратилади.

**Ишлаб чиқариш инфраструктураси** асосан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириб, унга хом ашё, ёқилғи, энергия билан таъминлаш ва турли хил тайёр маҳсулотларни ташиш, моддий ресурслар ва товарларни сақлаш, коммунал, алоқа, мелиорация ва ирригация иншоотлари, ишлаб чиқариш хизмати(агрокимё, зооветеринария, техник хизмат кўрсатиш) каби хизматларни амалга оширади.

Ишлаб чиқариш инфраструктураси қишлоқ хўжалик объектларининг ўзаро алоқасини таъминловчи омил бўлиб, АСК ҳосил қилишда катта аҳамиятга эгадир. Ишлаб чиқариш инфраструктурасининг энг асосий вазифаси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришдир.

**Социал инфраструктура** таркибига кишиларнинг меъёрида ишлаши ва меҳнат қилиши, маданий ҳордиқ чиқариши, билим олиши ва аҳоли фаровонлиги ўсишини таъминлашга хизмат қилувчи тармоқлар киради. Бу тармоқ халқ таълими, соғлиқни сақлаш, санъат, маданият, спорт, телекоммуникация, канализация, коммунал хизмат, мактабгача тарбия, умумий овқатланиш, савдо, транспорт, айниқса қишлоқ жойлари транспорти, техник хавфсизлик хизмати, ўқув-илмий ишлаб чиқариш комбинатлари,

соғломлаштириш масканлари ва бошқаларни ўз ичига олади. Социал инфраструктуранинг бош вазифаси қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилашдан иборатдир.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида инсон омилига бўлган эътиборни кучайтириш ва бозор инфраструктурасини ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жадаллаштириш зарур. **Бозор инфраструктурасига** бозор муносабатлари шароитида иқтисодий ва ижтимоий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи корхона ва муассасалар киради. Бозор инфраструктураси биринчи навбатда бозорга, яъни молия ва меҳнат бозорига хизмат кўрсатади.

Товар бозори савдо ташкилотлари, аукционлар, ярмаркалар, хом ашё ва товар биржалари, тендер ўтказиш идоралари ва бошқалардан ташкил топган.

Молия бозори инфраструктураси банклар тизими, валюта биржалари, брокерлик идоралари, суғурта ва холдинг компаниялари, инвестиция фондлари ва бошқалардан иборат.

Меҳнат бозорига меҳнат биржалари, аҳоли бандлигини таъминловчи ташкилотлар, меҳнат ресурсларини иш билан таъминловчи фирмалар, ишчи кучининг ички ва ташқи миграциясини мувофиқлаштирувчи органлар киради.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш доирасида инфраструктура бевосита қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи(транспорт, мелиорация, ирригация, зооветеринария, электрлаштириш, моддий-техник таъминот) ва тайёрланган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш(омборхона, совутгич, маҳсулотларни тайёрлаш ва бошқ.) билан боғлиқ инфраструктураларга бўлинади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш инфраструктурасининг шаклланиши ва тараққиётига хўжаликларнинг географик ўрни, ихтисослашиши, концентрация, рельеф, иқлим, ер, сув ва молиявий ресурслар, ишчи кучи, қишлоқ аҳолисининг ҳудудий жойлашуви ва бошқа омиллар таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш инфраструктурасининг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат:

-қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, бунинг учун уларга қулай шарт-шароитлар яратиш;

-қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ялпи ҳосилини янада кўпайтириш;

-қишлоқ хўжалик корхоналарини хизмат кўрсатиш соҳаларидан озод этиш;

-қишлоқ хўжалигида меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш;

-қишлоқ хўжалиги районларининг ихтисослашуви ва пировард мақсад арзон маҳсулот етиштиришга кўмаклашиш.

Агросаноат комплексининг мажмуали ривожланишига ишлаб чиқариш инфраструктураси, айниқса моддий-техника таъминоти ва транспорт ката таъсир кўрсатади. Моддий техника таъминоти хизмати ёрдамида қишлоқ хўжалик корхоналари ўзлари учун зарур бўлган барча восита ва буюмларини харид қилиб олишлари мумкин. Транспорт қишлоқ хўжалик корхоналарининг юкларини истеъмолчиларга етказишда ва аксинча, бошқа соҳа корхоналари юкларини келтиришда асосий воситачи вазифасини бажаради.

Республикамизда қишлоқ хўжалик корхоналарини моддий техника таъминоти билан «Ўзбекқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» давлат-кооператив кўмитаси таркибига кирувчи «Агромашсервис» акционерлик уюшмасининг ихтисослаштирилган бирлашмалари шуғулланади. Бу бирлашма қишлоқ хўжалик корхоналарига трактор, бульдозер, пахта териш машиналари, ғалла ўриш комбайнлари, чигит экиш сеялкалари, культиваторлар каби хилма-хил машина в эҳтиёт қисмлар етказиб беради.

Мулкчиликнинг барча турларига машина-трактор парклари (МТП) хизмат кўрсатади. Унинг асосий вазифаси қишлоқ хўжалик техника паркидан самарали фойдаланиш, унинг ишлатиш ҳаражатларини қисқартиришдан иборатдир. МТП лар хўжаликлар билан шартнома асосида ерларга экин экиш, ишлов бериш ва ҳосилни йиғиштириб олиш каби механизациялашган ишларни амалга оширади. Республика қишлоқ хўжалигида туб ислохотларни

амалга оширилиши, мулкчиликнинг турли хил шаклларининг пайдо бўлиши ва ривожлантирилиши, агросаноат ишлаб чиқаришини жаҳон талабларига яқинлаштириш учун замонавий инфраструктура тизимини барпо этиш асосий вазифа ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмолчиларга йил давомида етказиш, унинг сифатини сақлаш учун махсус омборхоналар бунёд этиш зарур.

Бугунги кун нуқтаи назаридан қараганда қишлоқ аҳоли пунктларида социал ва бозор инфраструктурасини ҳам ривожлантириш ва талаб даражасига олиб чиқиш энг муҳим ишлардан бири саналади.

### **Таянч термин ва тушунчалар**

Экстенсив ва интенсив ривожланиш, Фан-техника инқилоби, эволюцион ва революцион ривожланиш, экстенсив ва интенсив ривожланиш, инфраструктура, бозор инфраструктураси, ижтимоий инфраструктура, моддий-техника таъминоти, транспорт

### **Мавзунини такрорлаш ва мустаҳкамлаш учун саволлар**

1. Қишлоқ хўжалигининг ривожланишига қайси омиллар катта таъсир кўрсатади?
2. Экстенсив ва интенсив ривожланиш деганда нимани тушунаси?
3. Нима учун қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда интенсивлаштириш асосий йўл ҳисобланади?
4. Фан-техника тараққиёти деганда нималарни тушунаси?
5. Фан-техника тараққиёти қишлоқ хўжалигига қандай таъсир кўрсатади?
6. Экстенсив ва интенсив хўжалиги ривожланган мамлакатларга мисоллар келтиринг.
7. Инфраструктура деб нимага айтилади ва у қандай турларга бўлинади?
8. Ишлаб чиқариш инфраструктураси деганда қайси соҳаларни тушунаси?
2. Социал инфраструктура нима ва унинг бош вазифаси нималардан иборат?
3. Нима учун бозор инфраструктурасининг аҳамияти ортиб бормоқда?
4. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида инфраструктуранинг асосий вазифаси нималардан иборат?
5. Машина-трактор парклари қандай вазифаларни бажаради?

6. Қишлоқ хўжалигида моддий-техника таъминоти қандай ўрин тутади?

7. Қишлоқ хўжалиги инфраструктурасини ривожлантириш учун қандай ишларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблайсиз?

### **Тавсия этиладиган адабиётлар**

1. Агроиқтисодиёт. Андижон, 1996. -254 б.
2. Асанов Г. ва бошқ. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жўғрофияси. -Т.: Ўқитувчи, 1994. -209 б.
3. Асанов Г.А. Социал-иқтисодий география: термин ва тушунчалар изоҳли луғати. -Т.: Ўқитувчи, 1990. -248 б.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.: Ўзбекистон, 1994. -299 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
6. Рўзиев А. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1990. -152 б.
7. Солиев А ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт. –Т.: Университет. 2000.
8. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Тузувчи муаллиф А.Тўхлиев. - Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 1998. -237 б.
9. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. -Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 1997.
- 10.Қаюмов А. ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт. –Т.: Университет. 2004.
- 11.Қодиров Р. Қишлоқ хўжалиги географияси (Маърузалар матни ). - Андижон. 2000.
- 12.Хусанов Р.Ҳ. ва бошқ. Агросаноат комплекси иқтисодиёти. -Т.: 2003. - 772 б.